
"Ватан муқаддас, унинг ҳимояси шарафли бурч" ғояси остида ватанпарварлик тадбирлари ташкил этилди.

Данғара тумани 1 сектор ҳудудида жойлашган Таптиқсарой маҳалла фуқаролар йиғинидаги 9-умумий ўрта таълим мактабида "Ватан муқаддас, унинг ҳимояси шарафли бурч" ғояси остида ватанпарварлик тадбирлари ташкил этилди.

Тадбир давомида ташкил этилган қурол-яроқ, ҳарбий анжом-аслаҳалар кўргазмаси ,барча ёшларда катта таъсурот қолдирди. Шунингдек,ҳарбий оркестр жамоасининг куй-қўшиқлари, фахрий қоровулнинг кўргазмали саф чиқишлари ҳамда қўл жанги сахна кўринишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ушбу Ватанпарварлик тадбирлари ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳиссини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини,Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини оширишда муҳим рўл ўйнайди.

2024-02-12 18:16:01